ДЕҲҚОН, БАҲОР ЧОРЛАЯПТИ, ЕНГ ШИМАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 53 (3025). | Чоршанба, 17 март 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СУТ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Область статистика бошқармасининг хабар беришича, область колхоз ва совхозлари давлатга сут топшириш ва сотиш квартал планини муддатидан илгари 15 мартда 101,4 процент қилиб бажардилар. Пландаги 10.400 тонна ўрнига 10.543,4 тонна сут сотилди. Сут топшириш давом этмоқда.

Квартал топширигини анча ошириб бажарган Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон районлари олдинда бормоқдалар.

ФИЛЬМ ВА ТОМОШАБИН

Ўзбекистон кинематографчиларининг IV пленуми 1964 йилнинг ижодий якунларига бағишланди.

Республикамизнинг кинофильм яратувчиларй ўтган йили жуда баранали иш қилдилар. Томошабинлар «Узбекфильм» студиясида яратилган етти бадиий картинани кўрдилар. Бу фильмларнинг кўпи — «Ер фарзанди», «Улуғбек юлдузи», «Дорбозлар», «Конструктор» фильмлари томошабинларга манзур бўлди.

Ўтган йилги фильмлар улуғ шонли кунлар — Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига муносиб полотнолар яратиш каби катта ва масъулиятли иш олдидан бош репетиция бўлди.

Пленумнинг ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов қатнашди.

ЎЗБЕК МУЗИКАСИНИНГ КЎРИГИ

Ўзбекистон композиторларининг сўнгги йилларда яратган музика асарларининг катта кўриги тамом бўлди. Кўрик республика композиторларининг съезди кунларида бўлиб ўтди. Театрларда, концерт залларида, маданият саройларида таниқли композиторлар ҳамда ижодий ёшлар яратган қўшиқлар, опералар, ораториялар бир ҳафта давомида янграб турди, балетлар кўрсатилди.

Кўрикда намойиш қилинган асарларнинг энг яхшилари Октябрнинг 50 йиллиги ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига Ўзбекистон композиторлари яратаётган улуғвор симфониянинг илк садолари бўлиб янгради.

Съезд қатнашчилари Композиторлар союзи правлениесини сайладилар. Правление раиси қилиб Аҳмад Жабборов сайланди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ЖУРНАЛИСТИ ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 15 март. (ТАСС). «Известия» газетасининг мухбири Н. П. Хохлов бугун қамоқдан бўшатилди, деб хабар беради Ассошиэйтед пресс агентлигининг мухбири Леопольдвилдан.

Леопольдвиль охранкаси бир ярим ой муқаддам совет журналистини сира асоссиз қамаб қўйган эди. Унга қарши «Айблар тўқишга уриниб кўрдилар, лекин Леопольдвиль ҳукумат маъмурларининг ҳамма уринишлари барбод бўлди.

Маъмурлар халқаро жамоатчиликнинг тазйиқи остида Н. П. Хохловни озод қилишга мажбур бўлдилар.

Х ЧАҚИРИҚ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЕҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, Х-чақириқ меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси шу йил 19 март кундуз соат 12 да шаҳар ижроия комитетининг мажлислар залида (Пролетарская кўчаси, 6-уй) очилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

КЎКЛАМ ХАБАРЛАРИ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. «Ўзбекистон» колхозининг деҳқонлари каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик экиларидан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу ерда кўкламги экишга тайёргарлик кўриш қизғин кетаяпти. Айниқса ўртоқ Александр Ким раҳбарлик қилаётган участка деҳқонлари экиш кампаниясини зўр тараддуд билан кутиб олмоқдалар. Бу ерда экиш агрегатлари ремонтдан чиқариб қўйилди. Участкадаги ариқ-зовурлар яхши тозаланди. Шу кунларда ерлар текисланаяпти. Бу ишда М. Нурбеков, Э. Гайфов, Владимир Ким каби колхозчилар намуна кўрсатмоқдалар. Улар кунлик нормаларини бир ярим баравар қилиб адо этишаяпти.

Э. ДОВУТБЕКОВ.

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ. «Қизил ту» колхозининг сабзавотчилари ҳар гектар ердан 20 тоннадан сабзавот, 11 тоннадан картошка етиштириш учун зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Шу мақсадда улар эртаги картошка ва сабзавот экишни қизитиб юбордилар. Ўртоқ О. Носиров бошлиқ бригада аъзолари олдинда кетишяпти. Бригадада 10 гектар ерга карам экиб бўлинди. Картошка экиш плани ҳам бажарилди.

В. ҚОДИРОВ.

* * *

КАЛИНИН. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг сабзавоткорлари шу кунларда экишни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Тонг сахардан далага чиққан колхозчилар зўр ғайрат кўрсатиб, эртаги сабзавот кўчатларини ўтказишяпти. Бутун куч сабзавот экишни барвақт тугаллашга қаратилган. Сабзавотчилар ўртасида социалистик мусобақа кундан-кунга авж олмоқда. Ю. Тўхтаев, А. Бегматов, Ж. Самиғов, Н. Орифжонов каби ишчан колхозчилар кўчат ўтказишда нормаларини ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Д. ЖАЛИЛОВ.



Чиноздаги Карл Маркс номли колхозда кўклам экиш кампаниясига зўр тайёргарлик кетяпти. Бу ерда экиш агрегатлари барвақт ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилди. Суратда: (чапдан ўнгга) участка бошлиғи З. Маликова, механик ҳайдовчи В. Илёсов, колхознинг бош агрономи А. Абдувалиев ва бригада механиги А. Аҳмедов ўртоқлар ремонтдан чиқарилган сеялкаларнинг қандай ишлашини кўришмоқда.

В. Салов фотоси.

ДОН ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

Мамлакатга донг таратган машъал «Политотдел» колхозининг азамат меҳнатчилари ҳар йили ҳам астойдил ишлаб, катта зафарларга эришадилар. Колхоз ғаллакорлари бултур 1100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 11 центнердан дон олган эдилар. Бу йил ана шу ютуқни янада мустаҳкамлаш мақсадида экин майдонларига юз гектар ер қўшилди. Гектар бошига камида 12 центнердан дон етиштириш мажбурияти олинди.

Ғаллакорлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун дала ишларини анча барвақт бошлаб юборган эдилар. Олдиндан пухта тайёргарлик кўриб қўйилгани учун экиш ишлари жуда уюшқоқлик билан ўтди. Моҳир механизаторлардан С. Аҳмедов, М. Бердиев, М. Бегматов, Э. Баротов, А. Қурбонбоев синглари ўртоқларнинг ғайрат-шижоати туфайли дон экиш жуда қисқа муддат ичида тугалланди.

Э. ИСҲОҚОВ.

4462 ТА ҚЎЗИ ОЛИНДИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг қўйчилик фермасида қўзилатиш кампанияси зўр уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Отарларда 6 минг совлиқ бор. Ҳозиргача бу совлиқлардан 4462 қўзи олинди ва улар тўла сақланиб қолинди.

Илғор чўпонлардан А. Пўлатов ҳозиргача ўз отаридаги қўйлардан 350 бош, У. Айдаралиев 448 бош, К. Маражабов 360 бош қўзи олди. Булар ҳар 100 бош совлиқдан 110—120 бошдан қўзи олиш учун курашмоқдалар. Колхоз правлениеси қўзилатиш кампаниясида чўпонларга ёрдам бериш учун яйловга қўшимча кишилар юборди.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 15 мартда Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-61» «Космос-62» ва «Космос-63» учирилди. Уч йўлдошнинг ҳаммаси битта учирувчи ракета билан орбитага чиқарилди.

Йўлдошлар ичига ТАСС 1952 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Уч йўлдошнинг ҳаммаси бошланғич параметрлари қуйидагича бўлган бир-бирига яқин орбиталар бўйича ҳаракат қилмоқда:

— айланиш даври 106 минут;

— Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейида) 1837 километр;

— Ер сатҳидан минимал узоқлашуви (перигейида) 273 километр;

— орбиталарнинг экватор текислигига нисбатан оғиш бурчаги 56 градус.

Йўлдошларда илмий аппаратлардан ташқари, 19,775; 20,084 ва 90,377 мегагерц частоталарда ишлайдиган «Маяк» радиопередатчиклари бор.

Йўлдошларга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаштирувчи — ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

ЧИГИТ ЭКИШНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАМИЗ

Ҳаётимиз, ақлимиз, идрокимиз, ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларимиз йилдан-йилга ўзгариб, камол топиб бораяпти. Кечаги иш усулларимиз бугунга тўғри келмай қолаяпти. Бу табиий ҳол. Чунки биз олға қараб, коммунизмга бормоқдамиз.

Мен пахтачиликда сўлғи қотган деҳқонларданман. Шу пахтачилик — туфайли — иззат-ҳурмат кўрдим, обрў топдим. Энг юксак, энг олий унвонга — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвонга эга бўлдим. Бунинг учун чексиз қувонаман.

Ҳозир пахтакорларимиз олдига жуда юксак талаблар қўйилмоқда. Замон ва тараққиётимиз «оқ олтин»ни тобора кўпайтиришни талаб қилмоқда. Барча хўжаликларда пахтачиликни комплекс механизациялаштириш учун қизғин курраш олиб борилмоқда. Бу «пахтачилик ишига бундан буён оддий деҳқонлар эмас, балки техникани ҳам, деҳқончиликни ҳам яхши биладиган механизаторлар раҳбарлик қилиши керак» деган сўз. Чунки, оддий деҳқон техниканинг тилини билмайди. Шунинг учун ҳам звеноларга бевосита механизаторларнинг ўз.лари раҳбарлик қилсин деган фикр туғилди. Ҳозир областимизда мана шу ҳаракат кенг ёйилмоқда.

Бироқ, механизатор-звено бошлиқлари техникани яхши билишлар ҳам ҳали пахтачиликнинг агротехникасини пухта билмайдилар. Уларга бу жиҳатдан ҳамиша ёрдам бериб туриш, деҳқончиликнинг сирларини тўла-тўкис ўргатиш лозим. Бу ишда кўпни кўрган деҳқонлар сира эринмай астойдил ёрдам беришлари керак. Ҳозир областимизда бригадалар тугатилиб, улар ўрнига мустақил звеноларнинг тузилди. 3—4 звено бир участкага уйғунлаштирилди.

Мен ҳам ҳозир уч звенони бирлаштирган бир участкага раҳбарлик қилаётирман. Ҳарбир звенода 50 гектардан ер бор. Масалан, Абдусаттор Боқибоев бошлиқ звено аъзолари ҳар гектар ердан пландаги 31 ўрнига 39 центнердан, Қоржов Рустамов бошлиқ звено аъзолари 35 центнердан ва Ҳолматбой Ҳошимов бошлиқ звено аъзолари 36 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Бундай юқори ҳосил олиш учун техниканинг тилини билишгина кифоя қилмайди, деҳқончиликнинг «сирлари»ни ҳам билмоқ даркор. Мана шу сирларни биз кекса авлод ёшларга қунт билан ўргатишимиз керак. Биз пахтакорлик касбимизни улуғлаган, қадрлаётган ёшларга, механизаторларга ўзимизнинг кўп йиллардан бери орттирган тажрибаларимизни ихлос билан тушунтиришимиз лозим. Мен ҳудди шу мақсадда ўз участкамдаги звеноларга раҳбарлик қиляпман.

Деҳқончиликда юқори ҳосил олишнинг дастлабки шарти чигит экиладиган ерларни яхшилаб текислашдан иборат. Ер шу қадар текис бўлиши керакки, бирорта чуқур-чақир қолмасин. Шундагина чигит тупроққа бир хилда тушади. Агар шундай бўлмаса чигитнинг униб чиқиши бирхил бўлмайди. Баъзи жойларда чигит ернинг бетида қолаверади. Шунинг учун ҳозир биз ҳамма звеноларда ерларни жуда яхшилаб текислашга ҳаракат қиляпмиз. Кесакларни майдалаяпмиз. Ҳозиргача уч звенога қарашли 150 гектар ернинг 85 гектари сифатли текислаб қўйилди.

Чигитни бир текис ва бехато ундириб олиш жуда катта аҳамиятга эга. Кўчат текис ва тўла бўлмаса юқори ҳосил олиб бўлмайди. Шу мақсадга эришмоқ учун чигит экишга сира эринмасдан пухта тайёрлик кўриш зарур. Бу ишда пала-партишликка, шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Пойдевор яхши бўлмаса иморат пухта бўлмагани сингари экишга тайёрлик ишлари унча яхши бўлмаса чигитнинг бир текис униб чиқиши ҳам кўнгилдагидек бўлмайди.

Биз ҳозир ўз участкамиздаги звеноларда чигит экишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўришга ҳаракат қилмоқдамиз. Илғор хўжаликларнинг тажрибалари янтарь кислотасининг деҳқонларга катта ёрдам бераётганини кўрсатди. Янтарь кислотаси чигитни тез, бехато ва бақувват униб чиқишини таъминлайди. Биз ҳам звеноларда фаннинг мана шу янгилигидан моҳирлик билан фойдаланамиз.

У. МУҲАМЕДОВ.

Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг участка бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ПАХТА УСТАЛАРИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

АДРЛАРДА ТРАКТОРЛАР ГУВУЛЛАЙДИ

...Қирликлар, қирликлар. Улар нақадар серфайз ва сербарака бу баҳор палласи. Кўл ушлашиб олган беҳисоб тепалар қудратли денгиз тўлқинлари каби «қирғоқ» сари-этагигача ҳали қалин қор кўрпаси қоплаб ётган Паркат тоғлари томон қалқиётгандай. Йўл ёқасидан қўнка тик кўтарилган тарғил тўрғай тинмай шўх чиёвлайди. Ҳа, ўз тилида баҳорни куйлайди. Далалар, боғлар, ҳадсиз ўтлоқ-яйловлар саҳий баҳор қуёшининг эркаловчи ёрқин нурларига чўмган. Борлиқ ямяшил. Ердан барра майса униб қўй-қўзилар яйрай бошлаган.

Деҳқонларнинг ҳам жомакори эгнида, иш қуроли қўлида. Улар бўлажак мўл ҳосил иштиёқида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилишяпти, Табиатнинг сулув манзараси кишиларнинг меҳнати билан янада гўзал бўлиб кўринади. Баланд қир тепасида тўхтаб кенг бугдойзор далалар бўйлаб юрдик. Кузда сепилган бугдой, арпа майсалари ердан бир текис кўтарилиб, тез амал олиптн.

— Симзарак сой, — деди колхоз раиси қаршимиздаги сойлиққа ишора қилиб, — Муҳит Саидов бригадаси мана шу сойлик ва қирликларда деҳқончилик қилади.

Ўша томонга йўл олдик. Далада меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Бригада аъзоларининг ҳаммаси шу ерда. Орқасига қатор-қатор сеялка тиркалган ўрмаловчи тракторлар сойлик тинчлигини бузиб, ҳайқирганча она тупроқ бағрига барака уруғи қадаяпти. Ҳозирги ҳар бир дам ғанимат, кунлар жуда долзарб. Шошилинмаса ернинг нами тез кўтарилиб кетиши мумкин. Унда уруғни қуруқ тупроққа ташлашга тўғри келиб қолади. Уруғ қуруқ тупроққа тушгач, ёмғир бўлмагунча униб чиқмайди. Экин ўсишдан қолади. Вақт қуртқочилик, иссиқ кунларга тўғри келиб ўсимлик яхши амал олмайди. Бошоқлар майда, кўпи пучак бўлиб қолади. Ҳосилдан барака кетади.

Лалмикор ерларнинг қонуни ана шундай. Экишда кечиккининг, қиммати вақтни қўлдан бой берганинг — хато қилганинг, ҳосилдан ютқазганингдир. Муҳит Саидов бригадаси ғаллакорлари буни ўзларининг кўпйиллик тажрибаларидан жуда яхши билишади. Даладаги қизғин меҳнат, юқори иш суръати ва кишилардаги кўтаринки руҳ ана шундан далолат бериб турибди.

Тракторлардан бири дала чеккасига келиб тўхтади. Унинг кабинасидан бош чиқарган қора мағиздан келган йигит баланд товуш билан галла ортган юк машинаси томонга қичқирди:

— Тугади! Галла келтиринглар!

— Нурмат, Ҳожибой, Йўлдош, қани орқаланглар, — деди машина ёнида турган Муҳит Саидов, йигитларга галла тўлдирилган қопларни елкага олишга ёрдамлашаркан, — трактор туриб қолмасин.

Сал вақт ўтмай трактор яна шўх гуруллаганича тепалик бағридан юқорига ўрмалай кетди.

—Сеидқали Амедов,—уни бизга таништирди бригадир, — сергайрат йигит. Тракторини моҳирлик билан бошқариб, ишимизга унум киритяпти. Тез ва сифатли экяпти. Уруғ нормал чуқурликка тушяпти. Кунда бир ўзи 25—27 гектар ерга уруғ қадаяпти. Унинг сменадоши Шариф Турсунов ҳам Сеидқали билан баравар қадам ташлаяпти.

Кетига сеялкалар эргаштирган тракторлар бир тепа кетидан иккинчисини штурм қилиб, тоборо олга илгариларди. Ғаллазорлар майдони ҳам тўхтовсиз кенгая борарди. Бригадада дон сепилаётган майдонлар кунда 38 — 40 гектарга етаяпти.

— Бизда беш звено бор, — дейди бригадир, — 1668 гектар ерга галла экамиз. Ўтган йили гектаридан 14 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 2325 тонна дон сотдик.

— Бизнинг лалми ер шароитимизда катта ҳосил бу, — қўшимча қилди раис, — бригаданинг Абдураҳмон Тўрабоев звеноси эса 30 гектарга бугдойнинг «Безостая — 100» навини экиб, 35 центнердан ҳосил олди. Бу нав бугдой бу йил 60 гектарга экилди. Марра — 40!

— Зиммамизга юксак мажбурият олганмиз, — сўзида давом этди М. Саидов, — гектарлардан 15 центнердан дон ҳосили йиғиштириб олишни мўлжаллаяпмиз.

— Ютуқларнинг боиси нимада? — сўрадик яқинда Ленин ордени билан мукофотланган машъал бригада бошлиғидан.

— Ютуқларга ҳалол тер тўкиб меҳнат қилиш орқасида эришяпмиз. Мўл ҳосилнинг асосий гарови бўлган агротехникага қатъий риоя қиляпмиз. Ерларимизни ҳосилдан бўшагач дарҳол 22—25 сантиметр чуқур қилиб ҳайдаб қўямиз. Кесакка қарши дискли борона соламиз. Ерлар яхши офтоб еб ётади. Бу ерларга куза дон сепамиз. Баҳор келгач гектарига 600 килограммдан компост ва минерал ўғит аралашмаси солиб, ҳамма майдонларни бороналаймиз. Бороналашнинг айниқса катта фойдаси бор. Бу тадбир амалга оширилганда, биринчидан, ер юмшайди. Солинган ўғит тупроққа аралашиб, унинг кучигакуч қўшади. Иккинчидан, тупроқда нам яхши сақланади. Учинчидан, ўсимлик сершох, бақувват бўлиб ўсади, тез амал олади. Бошоқлари сероб ва йирик, салмоқдор бўлади. Мўл ҳосил таъминланади.

Колхознинг учта ғаллачилик бригадасининг ҳаммасида галла экиш қизғин олиб борилаяпти. Адирларда етти агрегат кечаю-кундуз галла экяпти. Илғор тракторчилардан Маъмур Норматов, Тоҳир Тўрабоев, Тиркаш Юнусов, Ҳоким Тўлаев ва Одил Маҳмудов ўртоқлар астойдил ғайрат кўрсатиб ишлаб, кунда ҳар бирлари 12—15 гектардан ерга уруғ сепяптилар.

Колхозда 4607 гектар майдоннинг 3200 гектарига куздаёқ бугдой ва арпа экилган. Яна 1407 гектарга баҳори дон экиш ишлари тугалланаяпти. Шу билан бирга ғаллазорлар сифатли борона қилинаяпти.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
А. ЮСУПОВ,
Паркент. «Гулистон» колхози.

Тошкент области бўйича меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов якунлари тўғрисида

А Х Б О Р О Т

1965 йил 14 мартда Тошкент областининг область, район, шаҳар, қишлоқ ва поселка Советларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайлов якунлари тўғрисида область ижроия комитети олган маълумотларга қараганда область Советига 345 депутат, район Советларига 1231 депутат, шаҳар Советларига 1119 депутат, қишлоқ Советларига 5946 депутат ва поселка Советларига 1536 депутат сайланди.

Сайловларда сайловчилар умумий сонининг область Советига 99,95 процента, район Советларига 100 процента, шаҳар Советларига 99,86 процента, қишлоқ Советларига 99,99 процента, поселка Советларига 99,96 процента қатнашди. Шундай қилиб, сайловчиларнинг деярлик ҳаммаси сайловларда иштирок этишди.

Овоз беришда қатнашган сайловчилар умумий сонининг область Советига 99,53 процента, район Советларига 99,75 процента, шаҳар Советларига 99,20 процента, қишлоқ Советларига 99,87 процента, поселка Советларига 99,51 процента коммунистлар ва партиясизлар блоки номзодлари учун овоз беришди.

Овоз беришда қатнашган сайловчилар умумий сонининг область Советига 0,47 процента, район Советларига 0,25 процента, шаҳар Советларига 0,80 процента, поселка Советларига 0,49 процента, қишлоқ ва овул Советларига 0,13 процента депутатликка номзодлар учун қарши овоз берди.

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, поселка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар тўғрисидаги Низом»нинг 100-моддасига асосан 25 бюллетень яроқсиз деб топилди.

Область бўйича маҳаллий Советларга жами 10177 депутат, жумладан 4545 хотин-қиз (ёки 44,6 процент), 4756 партиясиз (ёки 46,7 процент), 6581 ишчи ва колхозчи (ёки 64,6 процент) сайланди. Сайланган депутатлар орасида 6439 киши (ёки 63,3 процент) ўтган чақириқ депутатлари бўлмаган.

Ҳамма сайланган депутатлар коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодларидир.

НОВАТОРЛАР ҲИММАТИ

«Ўзбекхиммаш» заводининг рационализаторлари ижодий изланишни йилдан-йилга кучайтирмоқдалар. Янги-янги ишчилар улар сафига қўшилишмоқда. Новаторлар ҳаракатининг оммавийлиги яхши самара бераяпти. Шу туфайли етти йиллиннинг ўтган йиллари мобайнида минглаб таклифлар ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бунинг эвазига корхона коллективи 800 минг сўмга яқин иқтисодий фойда кўрди.

Тинглаб-тинчимасларнинг ташаббуслари билан жуда кўп участкаларда сермеҳнат операциялар механизациялашди. Материал ва ҳомашёлар, айниқса қимматли металл кўплаб тежаб қолинди. Маҳсулот сифати яхшиланиб, таннархи арзонлашди, чиқамдилиги ортди. Меҳнат унумдорлиги эса бир ярим процент ошди.

Новатор машинасозлар етти йиллиннинг охирги йилида зиммаларига юксак мажбурият олишди. Улар йил давомида ками билан 160 минг сўмлик давлат маблағини тежашга аҳд қилдилар. Бу ўтган йилдагига қараганда анча кўпдир.

В. СКОРОДУМОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказган округ сайлов комиссиясининг ахборотига кўра, сайлов ҳақидаги Низомга мувофиқ қуйидагилар меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига депутат қилиб рўйхатга олиндилар.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

Шоносиров Шотурсун Суннатович — Мис эритиш заводининг эритувчи-юк ортувчиси, 1-Темир йўл сайлов округидан.

Васильева Зинаида Михайловна — 5-темир-бетон буюмлари заводининг кранчиси, 2-Школьний сайлов округидан.

Раҳмонова Жамила — юқумли касалликлар касалхонасининг медицина ҳамшираси — 3-Фестиваль сайлов округидан.

Вавилова Антонина Ульяновна — Карл Маркс номли 1-мактаб ўқитувчиси — 4-Совет сайлов округидан.

Муҳамедов Вали Муҳамедович — Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари — 5-Коммунистик сайлов округидан.

Притикин Михаил Израилович — Олтинтопган комбинатининг бош инженери — 6-Олмалиқ сайлов округидан.

Қодиров Раҳим Назарович — Қалмоққир конининг экскаватор машинисти — 7-Навоий сайлов округидан.

Бекаев Камол Нуриевич — Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари — 8-Ленин сайлов округидан.

Фарсиянц Анаит Григорьевна — Олтинтопган комбинати медицинасанитария қисми терапевтика бўлимининг мудири — 9-Ўзбекистон сайлов округидан.

Абдурахмонова Малика Абдурахмоновна — Тошкент Политехника институти тог-металлургия факультетининг старший ўқитувчиси — 10-Чехов сайлов округидан.

Угрюмова Галина Ивановна — «Ўзэлектромонтаж»нинг Олмалиқ бошқармаси электромонтёри — 11-Фрунзе сайлов округидан.

Бородавко Иван Калиникович — «Алмаликсвинецстрой» трестининг бошқарувчиси — 12-Ломоносов сайлов округидан.

Турсуналиев Раҳмон — 81-автобаза шофери — 13-Октябрь сайлов округидан.

Белотелова Нина Максимовна — «Алмаликсвинецстрой» трести 4-қурилиш бошқармаси комплекс пардозлаш бригадасининг бошлиғи — 14-Ушинский сайлов округидан.

Шаймухаметова Розия Фотиховна — Олтинтопган комбинати рух-қўрғошин бойитиш фабрикасининг флотатори — 15-Киров сайлов округидан.

Хўжаева Елена — Олтинтопган комбинати мис бойитиш фабрикаси реагент-дозировкачиси — 16 Комсомол сайлов округидан.

Максимова Анна Семёновна — Олтинтопган комбинати Қўрғошин конининг коллектор-оператори — 17-Горький сайлов округидан.

Орёл Евдокия Даниловна — 8-темир-бетон буюмлари заводининг арматурачиси — 18-Хонобод сайлов округидан.

Усмонов Раҳматилла — «Ўзбекшахтострой» трести 1-қурилиш бошқармасининг бетончиси — 19-Марказий сайлов округидан.

Одилов Собир Раҳимович — Тошкент область ижроия комитети архитектура ва қурилиш ишлари бўлимининг мудири — 20-Строитель сайлов округидан.

Резяпова Лидия Алексеевна — цемент-шифер комбинати цемент майдалаш агрегати машинисти — 21-Привокзал сайлов округидан.

Холина Любовь Георгиевна — Горький номли кутубхона мудираси — 22-Қўрғон сайлов округидан.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

Светленко Георгий Георгиевич — Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари — 23-Жигаристон сайлов округидан.

Гурьянов Василий Иванович — Давлат хавфсизлиги комитети Тошкент область бўлимининг бошлиғи — 24-Гулистон сайлов округидан.

Хушвоқов Қаҳҳор — 9-шахта 4-участкасининг проходкачиси — 25-Строитель сайлов округидан.

Абдуллаев Сотиболди — Ўзбекуголь» комбинати юк ортиш-транспорт бошқармасининг паровоз машинисти — 26-Горняк сайлов округидан.

Суслов Николай Васильевич — «Ўзбекуголь» комбинати кўмир разрезининг бошлиғи — 27-Школьний сайлов округидан.

Панкратова Анна Федоровна — қурилиш материаллари заводининг қуйдирувчиси — 28-Цемент заводи сайлов округидан.

Ғафуров Малик Ғафурович — область автотрести бошқарувчиси — 29-Темир йўл округидан.

Шералиев Мурод Шералиевич — Тошкент область ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг бошлиғи — 30-Первомайск сайлов округидан.

Волков Алексей Константинович — «Ўзбекуголь» комбинати кўмир разрезининг экскаватор машинисти — 31-Восточний сайлов округидан.

Дьяченко Полина Кирилловна — 7-мактаб ўқитувчиси — 32-Педагогика сайлов округидан.

Карпович Антонина Осиповна — Оҳангарон ГРЭСи қурилиш ёр қазувчилар бригадаси бошлиғи — 33-Оҳангарон сайлов округидан.

Блохина Анна Федоровна — ГРЭС электромонтёри — 34-Марказий сайлов округидан.

Немаътуллаев Жаъфархон — «Ўзбекуголь» комбинатининг экскаватор машинисти — 35-Тошкент сайлов округидан.

Ларина Александра Михайловна — «Ўзбекшахтострой» трести 6-қурилиш бошқармаси 3-участкасининг бетончиси — 36-Горький сайлов округидан.

Қорнев Мақсуд — «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори — 37-Красноармейск сайлов округидан.

Флейшмахер Иосиф Борисович — Оҳангарон шаҳар 1-касалхонасининг бош врачи — 38-Новгород сайлов округидан.

Қўчқоров Мамбет — «Ўзбекшахтострой» трести 3-қурилиш бошқармасининг гишт терувчиси — 39-Комсомол сайлов округидан.

Усачев Дмитрий Дмитриевич — Ўзбекистон КП Оҳангарон шаҳар комитетининг биринчи секретари — 40-Театр сайлов округидан.

Шарипова Фанна Муҳамедовна — «Ўзбекуголь» комбинати медицина-санитария қисми шифохонаси терапевтика бўлимининг мудири — 41-Димитров сайлов округидан.

Ғуломов Абдуқодир Ғуломович — Оҳангарон шаҳар ижроия комитетининг биринчи раиси — 42-Охунбобоев сайлов округидан.

БЕКОБОД ШАҲРИ

Паркин Иван Григорьевич — Фарҳод ГЭСи гидротурбина машинисти — 43-Фарҳод сайлов округидан.

Тошўлатова Каромат — Тошкент область социал-таъминот бўлимининг мудири — 44-Комсомол сайлов округидан.

Аджиева Лейла — гишт заводи қуйдириш цехининг тахловчиси — 45-Маяковский сайлов округидан.

Нуриддинова Лидия Фасахитдиновна — 3-автотранспорт конторасининг токари — 46-Коммунистик сайлов округидан.

Маматисаев Йигит — шаҳар ижроия комитетининг раиси — 47-Ленин сайлов округидан.

Ҳусниддинов Иброҳим Камолович — Ўзбекистон КП Бекобод шаҳар комитетининг секретари — 48-Ломоносов сайлов округидан.

Звенигородская Тамила Ивановна — цемент комбинати айланма печининг машинисти — 49-Цемент комбинати сайлов округидан.

Соловьёв Николай Семёнович — темир-бетон буюмлари заводи слесарлар бригадаси бошлиғи — 50-Запорожск сайлов округидан.

Жирнов Василий Григорьевич — 704-УНР ўрадгорлар бригадаси бошлиғи — 51-Октябрь сайлов округидан.

Муҳамедов Зуҳур — Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири — 52-Строитель сайлов округидан.

Убайдуллаев Фахриддин — Ўзбекистон металлургия заводи мартен цехининг мастери — 53-Школьний сайлов округидан.

Пономарёв Александр Степанович — Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари — 54-Ленинград сайлов округидан.

Саленек Александр Григорьевич — Ўзбекистон металлургия заводининг бош инженери — 55-Металлургия сайлов округидан.

Салоҳиддинов Шоҳобиддин — шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири — 56-Шчербаков сайлов округидан.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

Ходакова Юлия Сергеевна — 13-мактаб ўқитувчиси — 57-Завод сайлов округидан.

Одилова Микол Носировна — қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 3-цехининг тикловчиси — 58-Молодежний сайлов округидан.

Аминова Зомила Мирқосимовна — 228-УНР пардозловчиси — 59-Красногвардейск сайлов округидан.

Шерматов Маҳмуд — қурилиш материаллари ва конструкцияси комбинати айланма печининг машинисти — 60-Оққовоқ сайлов округидан.

Церель Юлиус Карлович — «Промтехмонтаж» участраси монтажчи слесари — 61-Бўзсув сайлов округидан.

Қодиров Воҳид — Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори — 62-Химзавод сайлов округидан.

Никитина Анна Павловна — Чирчиқ электрохимия комбинати 3-цехининг аппаратчиси — 63-Свердлов сайлов округидан.

Платонов Николай Моисеевич — «Ўзбекхиммаш» заводининг директори — 64-Совет сайлов округидан.

Котляров Пётр Васильевич — «Ўзбекхиммаш» заводи қозончилар бригадасининг бошлиғи — 65-Октябрь сайлов округидан.

Екубов — Фаттоҳ Ғофурович — Ўзбекистон КП Чирчиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари — 66-Ленин сайлов округидан.

Борисова Нина Михайловна — «Юлдуз» фирмасининг 2-филиали мотористкаси — 67-Школьний сайлов округидан.

Рогачев Сергей Федорович — Ўзбекистон КП Тошкент область комитети озиқ-овқат ва енгил саноат бўлимининг мудири — 68-Коммунистик сайлов округидан.

Постнова Зоя Иосифовна — «Чирчиксельмаш» заводи пўлат қуюв цехининг земледели — 69-Сельмаш сайлов округидан.

Бирюкова Вера Дмитриевна — пойафзал фабрикасининг фрезерчиси — 70-Комсомол сайлов округидан.

Будащева Татьяна Федоровна — «Чирчиксельмаш» заводи 3-механика-йигув цехи электр пайвандчиси — 71-Горький сайлов округидан.

Дугина Антонина Давидовна — трансформатор заводи монтаж-йигув цехининг ишчиси — 72-Электромаш сайлов округидан.

Рахматов Исмоил Раҳматович — Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари, область партия комитети ва область ижроия комитети партия-давлат контроли комитетининг раиси — 73-Дзержинский сайлов округидан.

Ларин Владимир Алексеевич — Чирчиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси — 74-Чапаев сайлов округидан.

Абдуҳамидов Абдусамат Абдуҳамидович — 160-қурилиш трестининг бошқарувчиси — 75-Профсоюз сайлов округидан.

Рябова Лидия Ивановна — Чирчиқ электрохимия комбинати 1-цехининг аппаратчиси — 76-Юбилей сайлов округидан.

Турдиалиев Таборак — Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармаси экскаватор машинисти — 77-Строитель сайлов округидан.

Нирков Петр Михайлович — «Чарвақгэсстрой» бошқармасининг бошлиғи — 78-Чорвоқ сайлов округидан.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

Алиев Усмон — Янгийўл пойафзал фабрикаси 3-цехининг ишчиси — 82-Темир йўл сайлов округидан.

Каплиева Анна Антоновна — шаҳар бирлашган касалхонаси акушер-гинеколог врачи — 83-Киров сайлов округидан.

Рибалко Василий Иванович — Ўзбекистон КП Янгийўл шаҳар комитетининг биринчи секретари — 84-Первомайск сайлов округидан.

Эшмуҳамедова Кудра Қаршиевна — пахта тозалаш заводи момиқ ажратувчиси — 85-Янгийўл шаҳар сайлов округидан.

Тўхтаева Холида — 2-босмахона муқовачиси — 86-Калинин сайлов округидан.

Абдужабборова Маърифат — Большевик номли 16-мактаб ўқитувчиси — 87-Октябрь сайлов округидан.

Нишонбоев Ғуломқодир — 6-қурилиш трести Янгийўл қурилишмонтаж бошқармасининг бетончиси — 88-Рабочий сайлов округидан.

Нурмуҳамедов Қобил Муҳамедович, — 18-профессионал-техника билим юртининг директори — 89-Навоий сайлов округидан.

Селезнева Валентина Федоровна — Янгийўл кондитер фабрикаси конфет цехининг ишчиси — 90-Ленин сайлов округидан.

Эрназаров Зуҳур Файзуллаевич — Янгийўл шаҳар ижроия комитетининг раиси — 91-Интернационал сайлов округидан.

Душин Виктор Андреевич — Янгийўл гидролиз заводининг директори — 92-Янгиҳаёт сайлов округидан.

Олимжонова Мамлакат — Янгийўл ёғ-мой комбинати 2-ёғ заводининг расфасовка рафинация цехи бригадири — 93-Тимирязев сайлов округидан.

Смирнов Евгений Николаевич — Тошкент область прокурори — 94-Ўзбекистон сайлов округидан.

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИ

Юнусов Иброҳим — Оққўрғон район ижроия комитетининг раиси — 101-Гул сайлов округидан.

Ли Илья Андреевич — область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи — 102-Қўрғонча сайлов округидан.

Олданазарова Яхшигул — «Гулистон» колхозининг сут соғувчиси — 103-Гулистон сайлов округидан.

Хон Александра — Энгельс номли колхоз аъзоси — 104-Энгельс номли сайлов округидан.

Великанова Просковья Федоровна — Киров номли колхоз аъзоси — 105-Киров сайлов округидан.

Турдиев Халил — область автомобиль транспорти ва тош йўллар бошқармаси бошлиғи — 106-Кетмонтепа сайлов округидан.

Кан Иннокентий Константинович — Ленин номли колхоз раиси — 107-Новожизненск сайлов округидан.

Сонбназаров Аҳад — ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи — 108-Звезда сайлов округидан.

Ефремова Дарья Гавриловна — Тошовул заводи калта толалар ишлаш бригадаси бошлиғи — 109-Тошовул сайлов округидан.

Иброҳимов Ғаффор — Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори — 110-Луначарский сайлов округидан.

Чачи Мустафо — «Ўзбекистон беш йиллиги» совхози 5-бўлимининг бошқарувчиси — 111-Сад сайлов округидан.

Қосимов Исмат Ҳатамқулович — 7-мактаб-интернат директори — 112-Красин сайлов округидан.

Қосимов Маҳмуд — область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — 113-Уяла сайлов округидан.

Ха Ольга — Димитров номли колхоз аъзоси — 114-Димитров сайлов округидан.

Холметова Ҳалима — Димитров номли колхоз аъзоси — 115-Крупская номли сайлов округидан.

Назазова Болахон — «Ленинобод» колхозининг бригадири — 116-Алимкент сайлов округидан.

Шпот Вера Якимовна — «Алимкент» пахта заводи джинчиқарувчиси — 117-Школьний сайлов округидан.

Аҳмедов Қудратилла — область ижроия комитети раисининг ўринбосари — 118-Тельман сайлов округидан.

Жайловова Ойниса — «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири — 119-Куйбишев сайлов округидан.

Тўлаганова Тошбуви — Куйбишев номли колхоз аъзоси — 120-Марказий сайлов округидан.

Емелин Сергей Федорович — Ўзбекистон КП район комитетининг иккинчи секретари — 121-Учительск сайлов округидан.

Стажило Анатолий Леонтьевич — «Ташкентская правда» газетасининг редактори — 122-Октябрь сайлов округидан.

Холменов Кўбжасар — «Ленинизм» колхози аъзоси — 123-Элтамғали сайлов округидан.

Атаманов Шевкет — экспериментал база бош инженери — 124-1-Дружба сайлов округидан.

Йўлдошев Ҳамидулла — 1-«Оққўрғон» совхози 1-бўлими звено бошлиғи — 125-Оққўрғон сайлов округидан.

Хван Илья Александрович — 2-«Оққўрғон» совхози механик-ҳайдовчиси — 126-Ильич сайлов округидан.

БЕКОБОД РАЙОНИ

Ҳатамов Эгамназар — «Победа» колхозининг раиси — 127-Қиёт сайлов округидан.

Қўчқорова Эргашой — Навоий номли колхоз аъзоси — 128-Бекобод сайлов округидан.

Кунов Михаил Иванович — Ўзбекистон КП район комитетининг иккинчи секретари — 129-Хос сайлов округидан.

Қосимова Қиргизой — Дзержинский номли колхоз аъзоси — 130-Пушкин сайлов округидан.

Қозоқбоев Абдуқодир — Бекобод район ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи — 131-Марказий сайлов округидан.

Ғознева Салима — 2-«Далварзин» совхози 6-бўлимининг ишчиси — 132-2-Далварзин сайлов округидан.

Кушеров Пейсен — район ижроия комитетининг раиси — 133-Калинин сайлов округидан.

Рўзиматова Адолат — Ленин номли колхоз комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи — 134-Ўзбек сайлов округидан.

Элчибеков Яков Карпович — Тошкент область молия бўлимининг мудири — 135-Пахта заводи сайлов округидан.

Саликаева Рашида — 1-«Далварзин» совхози 4-бўлимининг бошлиғи — 136-1-Далварзин сайлов округидан.

Нуъмонов Муҳиддин — Ўзбекистон КП Бекобод район комитетининг секретари — 137-Школьний сайлов округидан.

Эрназаров - Абдуназар — 3-«Далварзин» совхозининг тракторчиси 138-3-Далварзин сайлов округидан.

Комилов Восиқ — Тошкент область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи — 139-Чаноқ сайлов округидан.

Мамонтов Михаил Федорович — «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси — 140-«Октябрь 46 йиллиги» — сайлов округидан.

БУКА РАЙОНИ

Содиқов Комил — Бўка район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи — 141-Комсомол сайлов округидан.

Абдурахмонова Дилором — Пискент сут заводининг бош инженери — 142-Совет сайлов округидан.

Гизатуллина Зира Зайнуловна — Пискент зона касалхонасининг врачи — 143-Фурқат сайлов округидан.

Вагина Майя Дмитриевна — Пискент пахта заводининг линтершицаси — 144-Первомайск сайлов округидан.

Нуров Кўчар — 2-«Пискент» совхозининг звено бошлиғи — 145-«Ленинизм» сайлов округидан.

Тошқулов Сергей Александрович — Ўзбекистон КП Тошкент область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири — 146-Жамбул сайлов округидан.

Гулахмедова Саодат — Охунбобоев номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи — 147-Муротали сайлов округидан.

Раҳимов Абдулла Раҳимжонович — Ўзбекистон КП Бўка район комитетининг иккинчи секретари — 148-Саид сайлов округидан.

Ҳайдаров Исиддин. — «Гулистон» колхози раиси — 149-Керовчи сайлов округидан.

Тиллаева Назокат — «Партия XX съезди» колхози бригадири — 150-Партия XX съезди номли сайлов округидан.

Қодиров Рихси — Бўка район ижроия комитетининг раиси — 151-Қорақўйли сайлов округидан.

Қосимова Роби — Ҳамза номли колхоз пиллачиси — 152-Ленин сайлов округидан.

Ковалева Мария Александровна — Тимирязев номли колхоз механизациялашган бригадасининг бошлиғи — 153-Бўка сайлов округидан.

Бродова Анна Ивановна — Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари — 154-Бобир сайлов округидан.

Мамедов Илмдор — «Ленин йўли» колхози звено бошлиғи — 155-Ленин йўли сайлов округидан.

Солиев Аъзам — район халқ маорифи бўлимининг мудири — 156-Киров сайлов округидан.

Саидов Мирсолиҳ Саидович — область электр тармоқлари эксплуатацияси бошқармасининг бошлиғи — 157-Наримонов сайлов округидан.

Жарқинбоев Ўроз — Ильич номли колхоз раиси — 158-Ильич сайлов округидан.

Полвонов Илёс Акбарович — область суғориш системаси бошқармасининг бошлиғи — 159-Қўқорол сайлов округидан.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

Шайхов Эркин Турдиевич — Тошкент область ижроия комитетининг раиси — 160-Ийик сайлов округидан.

Квон Сергей — «Политотдел» колхози бригадири — 161-Политотдел сайлов округидан.

Икромов Эркин — Юқори Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси — 162-Болтин сайлов округидан.

Ни Александра Геронтьевна — Свердлов номли колхоз бригадири — 163-Свердлов сайлов округидан.

Нишонбоев Султон — Тошкент область пахта ва луб экиларини дастлабки ишлаш ва тайёрлаш трестининг бошқарувчиси — 164-Ленин сайлов округидан.

Цой Иван Антонович — «Правда» колхози раиси — 165-Жамбул сайлов округидан.

Мақсудов Абдуҳамид Мақсудович — район халқ маорифи бўлимининг мудири — 163-Жумабозор сайлов округидан.

Тен Гим Ок — «Правда» колхози аъзоси — 167-Правда сайлов округидан.

Абдурахмонова Махбура Абдурахмоновна — район касалхонасининг врачи — 168-Марказий сайлов округидан.

